O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 15 июль, № 136 (4035) Шанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

«Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигини нишонлаш ҳамда давлатимиз мустақиллиги, иқтисодий, сиёсий, илмий-таълим, маданий, маънавий салоҳияти ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, сарҳадларимизнинг хавфсизлиги ва дахлсизлигини таъминлаш, мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизациялаш, Ватаннинг муносиб ёш авлодини тарбиялаш ишига салмоқли ҳисса қўшган юртдошларимизни тақдирлаш мақсадида:

1. "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил" эсдалик нишони таъсис этилсин.
2. "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил" эсдалик нишонининг Низоми ва тавсифи 1, 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев) бир ой муддатда "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил" эсдалик нишонлари ва улар гувоҳномаларининг бланкалари белгиланган тартибда тайёрланишини таъминласин.
4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.Шамшиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 19 июнь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 19 июндаги ПФ-3763-сонли Фармонига 1-илова

"Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил" эсдалик нишони тўғрисидаги НИЗОМ

1. "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил" эсдалик нишони билан давлатимиз мустақиллиги, иқтисодий, сиёсий, илмий-таълим, маданий, маънавий салоҳияти ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, унинг сарҳадлари хавфсизлиги ва дахлсизлигини таъминлаш, мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизациялаш, Ватаннинг муносиб ёш авлодини тарбиялаш ишида фидокорлик намуналарини кўрсатаётган зиёлилар, фан ва санъат арбоблари, ишчи ва хизматчилар, тадбиркорлар, фермерлар, меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ва бошқа шахслар тақдирланадилар.
2. "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил" эсдалик нишони билан ушбу Низомнинг биринчи бандида кўрсатилган хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.
3. "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил" эсдалик нишони Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан вазирликлар, идоралар ва жамоат бирлашмаларининг республика органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари томонидан тантанали вазиятда топширилади.

Мукофотланганларга эсдалик нишони билан бирга белгиланган шаклдаги гувоҳнома берилади.

4. "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил" эсдалик нишони кўкракнинг чап томонига давлат мукофотларидан кейин тақилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 19 июндаги ПФ-3763-сонли Фармонига 2-илова

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони ТАВСИФИ

«Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони 0,25 микрон қалинликдаги олтин билан қопланган мис қотишмасидан тайёрланади, у диаметри 34 миллиметрли доира шаклига эга.

Эсдалик нишонининг олд томонида Мустақиллик ва эзгулик монументи (Мустақиллик ва Бахтиёр она ёдгорликлари) тасвирланган. Монумент ортида Мустақиллик майдонидаги Арканинг бир қисми ўрин олган. Эсдалик нишонининг пастки қисмида Арканинг бир қисми билан монумент орасида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг юбилей санасини англатувчи «15 YIL» деган ёзув бор.

Эсдалик нишонининг айланаси бўйлаб «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUSTAQILLIGIGA» сўзлари ёзилган.

Эсдалик нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган, пастки қисмининг марказида «2006» ёзуви жойлашган.

Тасвирлар ва ёзув қабарикдир.

Эсдалик нишонининг қирралари гардиш билан ҳошияланган.

Эсдалик нишони ҳалқачалар ва илгакча ёрдамида устки қисмига эни 20 миллиметрли самовий-зангори рангдаги ипак лента ўралган тўғри тўртбурчак шаклидаги қадағич (колодка) билан туташтирилади.

Ватан, Мустақиллик, Президент

Дунёни эгаллаш, унинг беҳисоб бойликларини, олтину гавҳарларини қўлга киритиш нене жаҳонгирларнинг хаёлини ўғирламаган дейсиз. Бугун ҳам дунёда ҳукмронлик васвасасига тушиб қолганлар йўқ эмас. Лекин олам аҳлини бирлаштириш, дўстлаштириш туйғуси билан ёнган фидойилар ҳам борки, уларга инсоният томонидан доимо эъзозу эҳтиром этиб келинади.

Бугун жаҳон спорт луғатидан «Кураш», «Ҳалол», «Ёнбош», «Тўхта» каби соф ўзбекча сўзлар мустаҳкам ўрин эгаллади. Африка, Америка, Европа, Австралия, Осиё қитъаларининг турли мамлакатларида ҳам ўзбек кураши мусобақалари ўтказилмоқда. Гоҳо Жанубий Африка Республикасининг шошганда харитадан ҳам топиш мушкул бўлган Претория шаҳарчасида, гоҳ Янги Зеландиянинг Окленд шаҳрида, гоҳида Олимпия ватани Грециянинг Афина шаҳрида ёҳуд Лондонда шундай кураш мусобақалари бўлиб ўтгани тўғрисида оммавий ахборот воситаларидан хабар топаяпмиз.

ҚИТЪАЛАРНИ ЗАБТ ЭТМОҚДА ЎЗБЕК КУРАШИ

Ўзга юртда ўзбекча сўз эшитсанг этинг жимирлайди. Ўзбек кураши бўйича мусобақага йиғилган бутунлай бошқа халқ, бошқа миллат вакилларини кўрсанг-чи? Уларнинг берилиб кураш тушаётганини, ғалаба ва мағлубият аламидан кўз ёш тўкаётганини, баланд кўтарилаётган байроғини ўпиб йиғлашлари-чи? Айниқса, бундай ҳиссиётлар сенинг курашинг туфайли содир бўлаётганига гувоҳ бўлиб туриш-чи?

Муҳташам мусобақа майдонлари Ўзбекистоннинг бир кичик ҳудудига ўхшаб кетади. Мусобақа жараёнлари Ўзбекистон кунлари кўринишини олмоқда. Ўзбек байроғи акс эттирилган спорт кийимларини кийган полвонлар юртимиз рамзини елкасида кўтариб юрибди, гўё.

Бир ўйлаб кўрайлик. Энг ашаддий хаёлпарастнинг ҳам кўнглига бундан 15 йил аввал шундай фикр келганмиди? Йўқ, албатта. Бунинг ягона сабаби, юрт истиқлоли, Ўзбекистон мустақиллигидир.

Мустақилликнинг энг азиз ва энг улуғ неъмат экани мана шунда мужассам эмасми? Мустақилликнинг меъмори яратган қасрнинг салобатини кўрсатиш учун, ўзбекнинг нимаси борлигини кўз-кўз этиш учун шунинг ўзи кифоя эмасми?

Ўзбекистон мустақиллиги билан бирга 1991 йилдан бошлаб курашнинг ривожланишига тамал тоши қўйилган бўлса, 1998 йилга келиб, 28 та давлат вакиллари ташаббуси билан Кураш халқаро ассоциацияси ташкил топди. Бу халқаро ташкилот яхши ниятлар билан ўзининг «Олтин ордени»ни таъсис этди.

Эдгар Клауренинг ташаббуси

Ҳар қандай даврда ҳам ўз миллатининг қон томирларида бир неча минг йиллаб яшаб келган қадриятларни эъзозлаб-улуғлаганлар шарафланишга лойиқ кўрилади.

2002 йили дунёда курашни ривожлантиришнинг энг фидойи тарғиботчиларидан бири, Пан-Америка Кураш Конфедерацияси президенти Эдгар Клауре Кураш халқаро ассоциациясининг биринчи «Олтин ордени»ни халқимизнинг азалий қадрияти — курашнинг халқаро спортга айланишига раҳнамолик қилган, ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаган Ўзбекистон Республикаси Президенти, Кураш халқаро ассоциацияси фахрий Президенти Ислом Каримовга топшириш ташаббуси билан чиқди. Ва 20 мамлакат вакилларидан иборат Ижроқўм аъзолари унинг ташаббусини бир овоздан қўллаб-қувватлади.

Бу, Президент тимсолида дунёга янги спорт турини тақдим этган миллатга, мамлакатга, жаҳон жамоатчилигининг, аниқроқ айтганда, халқаро спорт оламининг эҳтиромидир эди.

(Давоми 4-бетда).

МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ЯНГИ ВА МУҲИМ БЎҒИНИ

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида автотрактор техникасидан фойдаланиш ва таъмирлаш бўйича кичик мутахассислар тайёрлаш махсус курси илк битирувчиларини тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда Мудофаа вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар мудофаа ишлари бошқармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, Самарқанд вилояти ҳокимлиги вакиллари ва ота-оналар иштирок этишди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 октябрдаги қарорига мувофиқ, ушбу курсни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад иқтисодиёт, ишлаб чиқариш соҳалари ва Қуролли Кучларнинг тегишли бўғинларига малакали мутахассис кадрлар етказиб беришдир.

Жорий йилнинг март ойидан фаолият кўрсата бошлаган курсда сафарбарлик чақируви резервида ойлик йиғинни ўтаган фуқаролар жойлардаги мудофаа ишлари бошқармалари, ҳокимликлар йўлланмаси ва белгиланган тўлов асосида таҳсил оладилар. Мудофаа вазирлиги томонидан халқ хўжалиги соҳаларига малакали мутахассислар етказиб беришнинг йўлга қўйилиши халқ ва армия яқдиллигидан, юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар босқичида ҳарбийларимиз ҳам фаол қатнашаётганидан яна бир далолатдир.

Беш ойлик мазкур курснинг айнан ҳарбий билим юрти қошида ташкил этилгани бежиз эмас. Зеро, мавжуд юксак тартиб-интизом ва малакали мутахассисларнинг жалб этилиши курсантлар чуқур билим олишининг кафолатидир. Бу ерда зарур ўқув хоналари, амалий машғулот ва спорт билан шуғулланиш учун тегишли шарт-шароит ҳамда кўргазмали воситалар муҳайё. Қолаверса, ҳарбийча кўникма ёш мутахассислар ўзларининг келгуси фаолиятида дуч келиши мумкин бўлган мураккабликларни қатъият ва ирода билан ҳал этиши ҳамда юксак муваффақиятларга эришишида муҳим омил бўлмоқда.

Курсда ўқишни истаганлар 27 ёшдан ошмаган, техникани бошқариш учун саломатлиги тўғри келадиган, камида ўрта маълумотли номзодлар орасидан икки босқичли танловда саралаб олинди. Биринчи босқичда сафарбарлик чақируви резервида йиғинни ўтаётган фуқаролар орасидан ўқиш истаги бор ёшларнинг ҳужжатлари йиғин тугаганидан сўнг тегишли мудофаа ишлари бўлимига юборилган бўлса, иккинчи босқичда жойлардаги мудофаа ишлари бошқармалари номзодларни саралаб, махсус курсда таҳсил олиш учун жўнатдилар. Курсантлар билим юртида таҳсил олиш жараёнида ётоқ-жой, кийим-кечак, озиқ-овқат билан таъминландилар.

Илк қалдирғочлар — Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ёшларининг аксарияти махсус курсни аъло баҳоларга битирганлиги эътиборга лойиқдир. Тантанали маросимда 300 нафардан ортиқ битирувчига тегишли тоифалар бўйича автотрактор воситаси ҳайдовчиси, ҳайдовчи-механик, таъмирчи-механик гувоҳномалари берилди. Битирувчиларни иш билан таъминлаш масаласида эса мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимлари амалий ёрдам кўрсатади.

Халқ ва армия яқдил

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Шуҳрат Юсуповнинг айтишича, билим юртида техника сирларини эгаллаган шижоатли ўғлонлар орасида, айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Наманган ва Навоий вилоятлари ёшлари фаоллик кўрсатган. Битирувчиларнинг қарийб 70 фоизи ҳарбий соҳада хизмат қилиш истагини билдирмоқда. Йигирма нафар битирувчи шартнома асосида хизматни айнан шу билим юртида ўтайдиган бўлди.

— Мен техникага жуда қизиқаман, — дейди навоийлик Фарруҳ Хидиров. — Махсус курснинг ташкил этилганини эшитиб, биринчилардан бўлиб ўқиш истагини билдирдим. Мана, зарур касб-ҳунарни ўргандим. Ҳарбий билим юртида ишларнинг қатъий талаб асосида йўлга қўйилгани, ҳамма нарса жой-жойида ва ўз вақтида амалга оширилиши манзур бўлди.

— Давлатимиз раҳбарининг биз, ёшларга доимий ғамхўрлигидан, навқирон авлодга янги-янги имкониятлар эшигини очиб бераётганидан хурсандмиз, — дейди курсни аъло баҳоларга битирган тошкентлик Қанот Юсупов.

Унинг айтишича, курсантларга Қуролли Кучлар хизматчилари Х.Маматов, А.Зокирова, офицерлар А.Файзуллаев, Қ.Ботиров, шартнома асосидаги ҳарбий хизматчи Ж.Худойқулов каби малакали ва тажрибали мураббийлар техника сирларини пухта ўргатган. Курсантлар олган назарий билимини амалиётда мустаҳкамлаган.

Шундай қилиб, мамлакатимизда эл-юрт коригa ярайдиган малакали мутахассислар тайёрлаш борасида яна бир янги ва муҳим бўғинга асос солинди. Бу хайрли жараёнда Ватанимиз ҳарбийларининг муносиб ўрни борлиги янада эътиборлидир.

Ёшин ҲАКИМОВ (ЎзА).

ДОНОРЛАР ҲИММАТИ

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий маданиятни юксалтириш, беғараз донорликни ривожлантириш мақсадида шу йил 14 июндан бошланган донорлик ойлиги ниҳоясига етди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида мамлакатимизда беғараз донорликни ривожлантиришга бағишлаб ўтказилган йиғилишда ушбу хайрли тадбир натижалари сарҳисоб қилинди.

Донорлар ҳиммати туфайли ҳар йили миллионлаб инсонларнинг ҳаёти сақлаб қолинади. Айниқса, камқонлик, оққон, саратон каби касалликларда, туғруқ пайтида ва турли фавқулодда ҳолатларда қуйиладиган қоннинг аҳамияти катта.

Қон топшириш, умуман, донорлик жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг муҳим воситаларидандир. 2005 йил май ойида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ассамблеясида дунё мамлакатлари томонидан кўнгилли донорликка содиқлик ва уни қўллаб-қувватлашга оид баёнотнинг қабул қилиниши донорлик глобал масалалардан бирига айланаётганидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлда қабул қилинган "Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида жойлардаги қон қуйиш станцияларини қонни тайёр-

(Давоми 2-бетда).

Пойтахтимиздаги Ўзбек миллий академик драма театрида "Осиё тароналари" халқаро болалар фестивали якунланди.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Республика ўқувчилар саройи, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика байналмилал маданият маркази, "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур анжуманда мамлакатимиз ҳамда Марказий Осиё давлатларининг қарийб уч юз нафар ёш истеъдод соҳиби иштирок этди.

Юртимизда илк бор ўтказилган мазкур тадбир доирасидаги кўрик-танлов, концерт, учрашув ва кўргазмалар давомида болалар ўз истеъдодини, билим ва салоҳиятини намойиш этди, кўплаб дўстлар орттирди. Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Андижон шаҳридаги "Андиана" болалар ҳаваскорлик мусиқа жамоаси фестиваль Гран-присига лойиқ топилди. Фестивалнинг олий дипломи эса Қозоғистоннинг "Айналайин" фольклор-мусиқа жамоасига насиб этди.

"Энг яхши қўшиқ учун", "Энг яхши рақс учун", "Энг ёш ижрочи" каби номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

ИСТИҚЛОЛ МАНЗИЛЛАРИ

Самарқанд вилояти



ДОНҒИ ДОСТОН ДУНЁГА ДИЁР

Қадим Кўксаройга боқиб, қудратли мамлакатининг бепоён сарҳадларини мағрур кузатаётган соҳибқирон Амир Темурнинг салобатли ҳайкали ёнидан ҳеч қачон ҳаяжонсиз ўта олмайман. Ўша лаҳзанинг ўзида дилимда не-не туғёнлар чарх уриб, мураккаб саволлар жўш уради. Уларга жавоб тариқасида кўз ўнгимда бундан ўн йил аввалги манзара — ҳазрат Амир Темур ҳайкали очилиш маросимида Президентимиз Ислом Каримовнинг нутқ сўзлаган сиймолари гавдаланаверади.

"Ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абадий шаҳар" дея Самарқандга юксак таъриф бергандилар ўшанда Юртбошимиз. Ана шундай гўзал бир таърифга мушарраф бўлган шаҳарга Амир Темур орденининг дастлабкиси топширилиши ҳам бежиз эмас. Аввало, бу қутлуғ манзилда «мана ман» деган алломалар яшаб ўтишган. Номи етти иқлимга маълуму машҳур Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Қозизода Румий каби мутафаккирларнинг илм борасидаги изланишлари ҳали-ҳануз тилларда достон. Тарихий битикларда мир Алишер Навоийнинг ҳам бу кўҳна шаҳарда бир неча муддат яшаб, ижод этганликлари ҳақида маълумотлар бор. Қолаверса, Мовароуннаҳрнинг, ер юзининг ярмини забт этган соҳибқирон давлатининг пойтахти ҳам Самарқанд эди.

Дарвоқе, дунёда Самарқанд каби кўҳна шаҳарлар бармоқ билан санарли. Аммо улар биз учун Самарқанддек азиз ва мўътабар эмас. Чунки, ҳаммамиз улуғ бобокалоримиз яшаб ўтган бу муқаддас юртни жон-жонимиздан севамиз, ардоқлаймиз. Асрлар билан юзлашган бебаҳо осори-атиқаларимизни томоша қилаётган хорижликларнинг ҳайратланишларини кўриб, бошимиз кўкка етади, шундай улуғ бир юртда яшаётганимиздан шукроналик билдирамиз.

Истиқлол йилларида кўҳна Самарқанд ҳар жиҳатдан ривожланиш сари юз тутди. Шўролар даврида қаровсиз қолган мақбаралар, мадрасалар асл ҳолига қайтди. Хартанг қишлоғидаги Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуаси бутун дунё мусулмонларининг асосий зиёратгоҳларидан бирига айланди. Имом ал-Мотуридий ҳазратлари мангу қўним топган Чокардиза қабристони ҳам азиз қадамжолардан саналади. Айни чоғда Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида капитал реконструкция ишлари ниҳоясига етказилаяпти.

Юртбошимиз ташаббуслари ва таклифлари билан 1997 йилдан бери ҳар икки йилда бир марта ўтказилиши анъанага айланган "Шарқ тароналари" мусиқа фестивалини бугун бутун дунё билади. Шунинг учун ҳам бундай халқаро тадбирда қатнашиш истагида жаҳоннинг илғор мамлакатларидан машҳур санъаткорлар ташриф буюриши одат тусига кирди. "Шарқ тароналари-2005" мусиқа фестивалида бунга яна бир карра амин бўлдик. Жаҳоннинг 40 дан ортиқ мамлакатидан 400 га яқин ижрочилар, меҳмонлар, журналистлар келишди. Мен меҳмонлар келишини кузатган ва улар билан суҳбатлашган киши сифатида бир нарсага қойил қолгандим.

Самарқандга Кувайтдан ташриф буюрганлар бошқалар қатори менинг ҳам эътиборимни ўзига жалб қилди. Чунки бу мамлакат иштирокчилари бошқалардан фарқли ўлароқ, 38 нафарни ташкил этган эди.

"Биз икки йилдан бери фестивални интиқлик билан кутамиз, — деган эди ўшанда кувайтлик меҳмон Мишал Жума. — Орзуимиз мусиқа анжуманида иштирок этиш баҳонасида Самарқанддаги азиз қадамжоларни зиёрат қилиш. Мана, ниятимизга етдик. 38 киши бўлиб келдик. Насиб этса, сафар давомида Самарқанд шаҳридаги зиёратгоҳлардан ташқари Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (меҳмон машҳур муҳаддис номини тўлиқ айтди) қадамжосида ҳам бўлиб, руҳиятимизни чароғон этмоқчимиз".

Фикримча, фестивалнинг дунё халқларини бирлаштириш ва турли миллат вакилларининг дўстона муносабатларини мустаҳкамлаш фалсафаси хусусида бундан ортиқ фикр билдириб бўлмас.

Самарқанднинг шаҳар ва қишлоқларида, умуман қай гўшасида бўлманг, одамларнинг кўтаринки кайфиятда меҳнат қилаётганликларига, келажакка ишонч кўзи билан боқаётганлигига гувоҳ бўласиз. Ҳар қайси туманда бир нечталаб қад ростлаётган, муҳташамликда бир-биридан қолишмайдиган касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар; мактабларнинг муҳташам биноларига боқиб, баҳри-дилингиз очилади.

Ўтган ўн беш йил мобайнида вилоятда саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги соҳаларида улкан ўзгаришлар амалга оширилди. Бунда автомобиль ишлаб чиқарувчи корхона очилгани, айниқса, катта воқеа сифатида эътироф этилди. Эндиликда Самарқанддан чиқаётган автобус ва юк машиналарига Россия, Украина, Қозоғистон каби Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳам харидор. Бу эса мустақиллик фарзанди "Сам Кочавто" Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси нуфузининг ошиб бораётганлигидан далолат беради. "Сино" корхонаси маҳсулотлари — музлатгич ва совутгичларнинг сифатини айтмайсизми?

Энг муҳими, саноат ишлаб чиқаришидаги жадаллашув қишлоқларимизда ҳам ўз ифодасини топаяпти. Табиийки, бундай ижобий силжишлар хорижлик ишбилармонлар билан йўлга қўйилган ҳамкорликнинг самараси эканлигини ҳаммамиз ҳис этиб турибмиз. Айни пайтда вилоятда 156 та қўшма корхона фаолият кўрсатаяпти. Тадбиркорларимиз Россия, Чехия, Туркия, Англия, Германия, Қозоғистон каби ўнлаб хорижий давлатлар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатишган.

Эътироф этиш керакки, вилоят саноатида кичик бизнеснинг улуши йилдан-йилга ошиб бормоқда. Масалан, бундан ўн йил аввал ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришнинг атиги 3 фоизини ташкил қилган бўлса, бугунга келиб бу рақам 54,5 фоизга етди. Мамлакатимиз Президентининг иқтисодиётни эркинлаштириш ва ишбилармонларга етарли имкониятлар яратиб бериш тўғрисидаги фармон ва қарорлари тадбиркорликнинг жадал ривожланишига йўл очаяпти.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлардан асосий мақсад ер ва инсон қадрини ошириш, деҳқоннинг ер эгаси — мулкдорга айланишини таъминлаш. Вилоятда, тўлиқ бўлмаса-да, ана шу мақсадга эришилди. Бундай дейишимга сабаб ҳозирча тасодифий равишда ерга эга бўлиб қолганлар ҳам йўқ эмас.

Ватан қадрини ўз обрў-эътиборидек билган ориятли фермерларнинг ғайратшижоатлари туфайли ўтган йили вилоятда режадагидан ортиқ миқдорда пахта тайёрланди. Тармоқдан 76 миллиард сўм ёки 2004 йилдагига нисбатан 10,6 миллиард сўм кўп даромад олинди. Соф фойда эса 10,1 миллиард сўмни ташкил этди.

Пахтачилик соҳасида кўпчилик қатори мен ҳам нарпайликларга ҳавас қиламан. Нега десангиз, улар кўп йиллардан бери вилоятда илғорликни қўлдан бермай келишади. Ўтган йили туманда 35 минг тоннадан ортиқ пахта тайёрланиб, ҳосилдорлик 30 центнердан оширилгани, қарийб 101 фоиз ҳосил юқори навларга сотилгани фикримизни исботлайди. 10 миллиард 303 миллион сўм даромад олиниб, унинг 2 миллиард 568 миллион сўми нақд фойда эканлиги эса қилинган меҳнатга муносиб баҳодир. Галлачиликда ҳам мўлжалдагидан анча юқори натижага эришилди.

Бу ютуқлар замирида ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида илгари сураётган одил сиёсати мужассам. Ернинг ўз эгасини топганлигида гап кўп. Нарпай туманида тўлиқ фермерликка ўтилган. Ахир, фермер ер меники дейди. Эгалик ҳиссини дил-дилдан англаган одам берилиб меҳнат қилади, меҳнатининг қадрига етади. Сувдан, ўғитдан, қолаверса, техникадан тежамкорлик билан фойдаланади.

Бир пайтлар соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг Самарқандда яратган боғроғлари таърифи етти иқлимга достон бўлган. Лекин шўро замонида бу жабҳага эътибор бироз сусайган эди. Президентимизнинг шу йил бошида мева-сабзавотчилик ширкат хўжаликларида ислоҳотларни чуқурлаштириш борасидаги қароридан сўнг аҳвол ижобий томонга ўзгарди.

Вилоятда мазкур қарор асосида 33,2 минг гектар очиқ майдон, 19,1 минг гектар боғ ва токзорлар 8353 та фермер тасарруфига ўтди. Қарангки, бу фермерлар йилнинг биринчи чорагидаёқ 29146 тонна қайта ишланган мева-сабзавот, 1599 тонна хўл мева ва эртаки сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиб, вилоятга 11,74 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ киритишди.

Вилоятда амалга оширилаётган бундай эзгу ишларнинг, изчил ислоҳотларнинг чек-чегараси йўқ. Лекин ҳар ким ҳам ўз соҳасидан келиб чиқиб гапиришни яхши кўради. Шу маънода, камина ҳам кўп йиллар халқ таълими тизимида ишлаганлигим боис, бугун ушбу жабҳадаги ўзгаришлар, янгиликлардан ҳаммадан кўпроқ қувонаман. Энг аввало, мамлакатимизда "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури"нинг янги мактаб ва қўшимча бинолар қуриб фойдаланишга топширилди.

Умуммиллий дастурнинг 2006 йил кўрсаткичлари доирасида вилоят бўйича 6 та мактабда янги қурилиш, 48 та мактабда капитал реконструкция, 34 та мактабда капитал таъмирлаш ишларини бажариш учун манзилли рўйхат тасдиқланди. Ушбу мақсадларга 22 миллиард 132 миллион сўм, шу жумладан, янги қурилишга 4 миллиард 158 миллион сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Айни пайтда мактабларни жиҳозлаш, яъни лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер синфлари, мебель ва спорт анжомлари билан таъминлаш борасидаги ишлардан кўнгил тўлади. 2005-2006 ўқув йилида тендер савдоларида ғолиб бўлган ишлаб чиқариш корхоналари томонидан жойларга 2 миллиард 939,4 миллион сўмлик жиҳозлар етказиб берилди.

Касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларнинг аксарияти замонавий биноларда жойлашган. Шу йилнинг ўзида Самарқанд шаҳрида иқтисодиёт ва сервис ҳамда қишлоқ хўжалик институтлари қошидаги академик лицейлар янги биноларга кўчиб ўтишди. Қадимий Сиёб ҳудудида қурилиш ва миллий ҳунармандчилик коллежи учун янги бино қуриб берилгани бу ерда ҳунармандчилик анъаналарининг хизмат қилишига кенг йўл очди.

Самарқанднинг марказида бир туғуруқхона бўларди. Биноси эскириб кетганлиги боис хизмат кўрсатиш даражаси ҳам йилдан-йилга пасайиб бораётганди. Вилоят ва шаҳар мутасаддилари ўтган йили айнан шу туғуруқ мажмуасини қайта реконструкция қилинган бошқа бинога кўчириб, барча шарт-шароитларни яратиб беришди.

Вилоят кардиология шифохонаси учун эса беш қаватли янги бино қуриб берилди. Самарқанд шаҳрида фаолият кўрсатаётган вилоят тез тиббий ёрдам шошилинч маркази тиббиётнинг энг замонавий асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Бу ердаги 20 та бўлимда бир йўла 330 беморга хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд. Шаҳардаги бошқа шифохоналарда ҳам шарт-шароитлар кўнгилдагидек. Уларда малакали мутахассислар етарли.

Айтаверсак, бундай ўзгариш ва янгиланишларнинг сон-саноғи йўқ. Баайни шундай дейишимизга ва кўз ўнгимизда рўй бераётган эзгуликларга эса ИСТИҚЛОЛ сабабчи. Зеро, Самарқанд — ер юзининг сайқали, деган машҳур ибора бор. Бугун вилоятда амалга оширилаётган барча соҳадаги ислоҳотлар, жонажон ватанимиз мустақиллигининг 15 йиллигига ёруғ юз билан етиб бориш йўлидаги юмушлар ана шу юксак таърифга муносиб тарзда давом эттирилмоқда.

Ҳасан НОРМУРОДОВ,
"Нуроний" жамғармаси Самарқанд вилоят бўлими кенгаши раиси.

Самарқанд диёри цивилизациясининг Рим сингари қадимий бешикларидан бири сифатида бутун ер юзида тан олиниши, унинг беқиёс табиати, кенг маънодаги унумдор замини, номлари жаҳон тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган мумтоз зотларни бергани билан барчамиз чексиз фахрланамиз.

Ислом КАРИМОВ

Рақамлар сўзласин

** Самарқанд вилоятининг ҳудуди 16,8 минг квадрат-километрдан иборат. Аҳолиси 2 миллион 900 минг киши.*

** Вилоятда 2 та шаҳар, 12 та шаҳарча, 14 туман мавжуд. Қишлоқ фуқаролар йиғинлари — 125 та. Маҳалла фуқаролар йиғинлари сони 120 та, қишлоқлар — 1949 та.*

** Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми 2005 йилда 2004 йилга нисбатан 113,4 фоизга ошди.*

** 2005 йилда давлатга 260 минг тоннадан ортиқ пахта, 267 минг тонна ғалла сотилди. Бу йил эса ҳозиргача 280,8 минг тоннадан ортиқ тайёрланган дон ҳисобидан 60,2 миллиард сўм даромад олинди. Унинг 7,4 миллиард сўми соф фойда бўлиб, бу ўтган йилдагига нисбатан 1,5 бараварга кўпдир.*

** Самарқанд шаҳрида 7 та олий ўқув юрти фаолият кўрсатаяпти.*

** Вилоятда 7 та академик лицей, 3 та лицей ва лицей-интернат, 80 та касб-ҳунар коллежи мавжуд.*

** Вилоятнинг ташқи савдо алмашуви 2005 йилда 238466,5 минг АҚШ долларига етди. Экспорт ҳажми 147784,5 минг АҚШ долларини ташкил этди.*

** 1194 мактаб ва 11 та махсус интернатда 702 минг нафардан ортиқ ўқувчи таҳсил олмоқда. Уларга 55 мингга яқин ўқитувчи таълим-тарбия бераяпти. Шунингдек, вилоятда 4 та Меҳрибонлик уйи ҳам мавжуд.*

** Вилоятда 743 та оммавий кутубхона фаолият кўрсатаяпти. Уларнинг 661 таси қишлоқларда жойлашган. Барча зиё масканларининг умумий китоб фонди 5 миллион нусхадан ортиқ.*

** Вилоятда 96 та шифохона, 384 та қишлоқ врачлик пунктлари мавжуд. Уларда 8154 нафар врач ва 24187 нафар ўрта тиббиёт ходими фаолият кўрсатаяпти.*

ДОНОРЛАР ҲИММАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

лаш, қайта ишлаш ва сақлаш ускуналари билан жиҳозлаш йўли билан мамлакатимизда гематология хизматини янада ривожлантиришга доир муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Анжуманда қатнашган соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров, гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти директори Ҳ.Каримовлар мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлашди.

Давлатимиз раҳбари томонидан Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилинган жорий йилда аҳоли ўртасида тиббий маданиятни янада юксалтириш, ҳомийлик моҳиятини тушунтириш ва тарғиб қилишга катта эътибор қаратилаётир. Мамлакатимизда ўтказилган донорлик ойлиги ҳам ана шундай эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришга қаратилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган мазкур ойлик давомида давлат ва жамоат ташкилотлари, тиббиёт муассасалари, донорлар билан ҳамкорликда талай ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Жумладан, ойлик мобайнида кўнгилли равишда қон топширган донорлар сони қарийб йигирма олти минг нафарга етди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Жасур КЕНГБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Солиқ хизмати

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Давлат солиқ хизмати органларининг 2006 йил биринчи ярим йиллик фаолияти якунлари муҳокама қилиниб, иккинчи ярим йилликдаги асосий вазифалари белгилаб олинди.

ҲИСОБОТЛАРДАН КЎНГИЛ ТЎЛДИМИ?

Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга даромадлар тушуми бўйича жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги учун белгиланган топшириқ кўрсаткичлари республиканинг барча ҳудудларида бажарилган. Бироқ, ҳисобот даврида эришилган ана шу ижобий натижалар билан бирга, айрим вилоятларда қатор камчиликларга йўл қўйилаётгани ҳам қайд этилди.

Бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар бўйича боқиманда миқдорининг йил бошига нисбатан ўсишига йўл қўйилгани қаттиқ танқид остига олиниб, қатор давлат солиқ бошқармаларининг бу борадаги фаолияти кўнгилдагидек эмас, деб топилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги 100-сонли Қарори ижроси махсус Ишчи гуруҳи томонидан ўрганилганда, жойларда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалалари, яъни ҳисоботларни қабул қилиш жараёнида хўжалик субъектларидан ортиқча маълумотлар талаб қилиб олинаётганлиги таъкидланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 15 январдаги 24-сонли Қарори талаблари асосида алкогол маҳсулотларидан акциз солиғи тўлиқ ундирилиши ва бундай маҳсулотлар ноқонуний айланиши устидан назорат қилиш талаб даражасида ташкил этилмаётганлиги юзасидан Бухоро, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар солиқ органларига жиддий эътирозлар билдирилди.

Ҳукуматимизнинг нақд пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини қисқартиришга доир қарорлари, Президентимизнинг 15 апрелдаги ва 2005 йил 5 августдаги қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги Қарори талаблари ижроси юзасидан Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари давлат солиқ идораларининг назорат тадбирлари суст ташкил этилганлиги қайд қилинди.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг "Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилиниб, Навоий, Сирдарё ва Наманган вилоятлари давлат солиқ бошқармаларининг фаолияти етарли даражада эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан ҳамкорликда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги Қарори талаблари бажарилиши ўрганиб чиқилганда, жойларда ноқонуний фаолият кўрсатаётган цехларни аниқлаш ва олдини олишга қаратилган тадбирлар Сурхондарё, Навоий, Бухоро, Жиззах, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида талаб даражасида ташкил этилмагани танқид қилинди.

Юқорида қайд этилган масалалар муҳокамаси давомида фаолиятида жиддий хато-камчиликларга йўл қўйган Сурхондарё вилоятининг Термиз ва Музрабод туманлари Давлат солиқ инспекциялари раҳбарлари эгаллаб турган лавозимларидан озод қилинди. Белгиланган вазифаларини етарли даражада таъминламаган 20 дан зиёд ҳудудий давлат солиқ органлари раҳбарлари эса интизомий жазога тортилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан ҳайъатнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

ДСҚ Матбуот хизмати.

«Кичкина деманг бизни...»

«Шоирабону 78» хусусий фирмаси жамоаси мавжуд қувватларни тўла ишга солиш, иш қўламини кенгайтириш ва маҳсулот сифатини яхшилашга эътибор қаратмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида ишлаб топилган 80 миллион сўм маблағ янги цех ташкил этиш, чарм пальто ва костюм тикишни йўлга қўйишга йўналтирилди. Шунинг эвазига 20 та янги иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, аҳолига 143 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди.

Андижон шаҳрида «Шоирабону»га ўхшаш кичик бизнес субъектлари тобора кўпайиб бораётгани қувонарли. «Мавжуда стил» хусусий фирмаси жамоаси ҳам ўз маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқариш ҳажмини оширибгина қолмай, ёшлар учун қисқа муддатли ўқув курслари ҳам ташкил этди. Ўнга яқин тикув дастгоҳлари сотиб олинди. 35 та янги иш ўрни вужудга келди.

Шаҳарда шу каби қулочини кенг ёйётган кичик корхона ва микрофирмалар сони 19 тага етди. 251 та янги иш ўринлари очилди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҚАЙТА МОЛИЯЛАШ СТАВКАСИ ТУШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йилнинг 15 июлидан бошлаб қайта молиялаш ставкасини йиллик ҳисобда 16 фоиздан 14 фоизгача туширди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Матбуот хизмати.

БМТ ҳал қилади



Пайшанба куни кечаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашига Эрон ядро дастурини мувофиқлаштириш бўйича барча таклифлар киритилган ҳужжатлар тўплами топширилди. Бу таклифлар Европа «учлиги» (Буюк Британия, Франция ва Германия) томонидан ишлаб чиқилган ҳамда ўтган ой бошида ХКнинг 5 та доимий аъзоси ва Германия номидан Эронга тақдим этилганди. ИТАР-ТАСС хабарида айтилишича, ушбу йирик режа Эронга уранни бойитиш дастуридан воз кечиш эвазига турли иқтисодий ва сиёсий ёрдамлар кўрсатишни назарда тутади. Дипломатларнинг фикрига кўра, бу ҳужжатлар Эроннинг ядро масаласи бўйича келаси ҳафта қабул қилиниши кутилаётган резолюцияга асос бўлиб хизмат қилади.

12 июль куни мазкур «олтилик» ташқи ишлар маҳкамалари раҳбарларининг Париждаги учрашувида расмий Теҳрон таклифларга жавоб бермади, дея Эрон «иши»ни Хавфсизлик Кенгашига қайтаришга қарор қилинган эди. Журналистлар қўлига тушиб қолган ҳужжатларда таъкидланишича, Эронга енгил реакторлар қуриш, Европа Иттифоқи ва ушбу давлат ўртасида энергетика соҳасида истиқболли ҳамкорликни йўлга қўйиш, минтақавий хавфсизлик, халқаро савдо ва инвестициялар, фуқаро авиацияси, телекоммуникациялар, юқори технологиялар, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича таклифлар билдирилган эди.

Навбатдаги қадам

Россия ўзининг Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлганлигини «катта саккизлик» саммити арафасида эълон қилиши мумкин, деб хабар беради «Интерфакс» ахборот агентлиги.

Россия АҚШ билан муайян келишувга эришиб, бу йўлдаги энг асосий тўсиқлардан бирини енгиб ўтди. Расмий Москва мамлакатда хорижий суғурта компаниялари филиаллари очилишига рози бўлган. Бунинг эвазига АҚШ раҳбарияти Россия бозорига хорижий банкларни киритиш ҳақидаги талабидан воз кечиши лозим. Мазкур келишув ҳақида хабар берган мамлакат молия вазири Алексей Кудрин Россиянинг ЖСТга аъзо бўлиши бўйича икки давлат ўртасидаги келишув икки кун ичида имзоланишига умид билдирди. Кудриннинг сўзларига кўра, икки томон ҳалигача бир тўхтамга келмаган бошқа масалалар — интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш, санитар назорат ва молиявий бозорларга хорижий компанияларнинг кириб келиши кабилар борасида ҳам музокаралар олиб борилмоқда.

Қарор ва ижро

Бугунги кунда юртимиз иқтисодиёти ва ижтимоий соҳа тармоқлари учун замон талаблари даражасидаги юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, мамлакатимизнинг замонавий компьютер, телекоммуникация ва ахборот технологиялари, кимё саноати, хизмат кўрсатиш ва сервис, фермер хўжалиги соҳаларида мутахассисларга нисбатан ортиб бораётган эҳтиёжини қондириш, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактабларини олий маълумотли педагог кадрлар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

БЎЛАЖАК ТАЛАБАЛАР УЧУН ҚИЗҒИН ПАЛЛА

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг шу йил 2 июнда қабул қилган "2006-2007 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорида ушбу вазифалар аниқ белгилаб берилган. Унга кўра янги ўқув йилида бакалаврлик йўналиши бўйича 51604 нафар йигит-қиз қабул қилинади. Бўлажак талабаларнинг 19945 нафари давлат грантлари, 31659 киши эса тўловконтракт асосида ўқийди. Магистрлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 6500 нафар этиб белгиланган.

Айни вақтда юртимиздаги барча олий таълим муассасаларида абитуриентлардан ҳужжат қабул қилиш жараёни қизғин паллага кирди. Икки ярим минг нафардан зиёд талаба таҳсил оладиган Тошкент кимё-технология институти — мамлакатимизнинг кимё саноати учун етук кадрлар тайёрлаб берадиган таълим маскани. Бу ерда жорий йилда биотехнология, кимёвий технология, атроф-муҳит муҳофазаси каби ўн йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланади.

Қабул комиссияси масъул котиби Абдусаттор Абдурахмоновнинг таъкидлашича, бу йилдан институтда экологик сервис йўналиши бўйича ҳам мутахассислар тайёрланиши йўлга қўйилмоқда. Режага кўра бакалаврлик бўйича беш юз йигирма нафар йигит-қиз қабул қилинса-да, ҳозиргача қабул комиссиясига келиб тушган ҳужжатлар сони ушбу кўрсаткичдан анча ортиб кетган. Бу юртимиз ёшларининг иқтисодиётимиз учун зарур ихтисосликларни эгаллашга бўлган қизиқиши тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

Институтда абитуриентлар учун ҳар бир йўналиш бўйича махсус тарғибот-ташвиқот стендлари ташкил этилгани муайян ихтисосликлар бўйича зарур маълумот олиш имконини бермоқда. Айни вақтда тестлар топшириладиган фанлар бўйича ҳар куни маслаҳат сабоқлари ўтказилаётир.

— Тошкентдаги Мирзо Улуғбек номидаги кимё-технология касб-ҳунар коллежини тамомлаб, биотехнология йўналиши бўйича ҳужжат топширяпман, — дейди Феруза Худойбердиева. — Мамлакатимизда кимё саноати учун мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кимё ва биология фанларига жуда қизиқаман. Келгусида билим ва кўникмаларимни янада ошириб, Ватанимиз иқтисодиёти ривожига ўз ҳиссамни қўшиш ниятидаман.

Институтда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида мутахассислар тайёрлаш билан бирга, ўқишни тамомлаган ёшларни иш билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда ўтказилган "Битирувчи-2006" анжуманида юртимизнинг ўттиздан зиёд корхона, ташкилот ва муассасаси вакиллари иштирок этди. Давлат гранти асосида таълим олган ёшлар "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компанияси, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, "Ўзқурилишматериаллари" уюшмаси, "Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг" компанияси, "Озиқовқатсаноат" уюшмаси корхоналарига йўлланма асосида ишга тақсимланди.

Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкентдаги филиалига иқтисодиётнинг бакалаврлик йўналиши бўйича бу йил салкам юз нафар йигит-қиз ўқишга қабул қилинади.

Иқтисодий тараққиёт мамлакат ҳаётининг ривожида, аҳолининг моддий ва маънавий фаровонлигини янада юксалтиришда муҳим ўрин тутади. Шу боис давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан юртимизда жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган, пухта билим ва салоҳиятга эга, малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Айни соҳада халқаро ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг бундан ўн йил мукаддам пойтахтимизда ташкил этилган филиали ана шундай ҳамкорлик самараларидандир. Ўтган вақт мобайнида бу ерда молия, солиқ, банк-кредит йўналишлари бўйича тўққиз юз нафардан зиёд мутахассис тайёрланган.

— Мазкур олий таълим даргоҳининг талабаси бўлиш — орзуим, — деди Бухоро вилоятидан келган абитуриент Бобур Ҳамроқулов. — Бу ерда талабаларнинг назарий ва амалий билим олиши учун барча қулайликлар мавжуд эканлигини билиб, яна қувондим. Буларнинг барчаси мамлакатимизда ёшларнинг таълим-тарбиясига берилаётган улкан эътибор самараси, деб биламан.

Абитуриентлар учун тестсиновлари шу йилнинг 1 август куни бўлиб ўтади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

ОИТСга қарши янги дори



АҚШда ОИТС касаллигини даволашда ишлатиладиган янги дори воситасини оммавий ишлаб чиқариш ва сотишга лицензия берилди. Мутахассисларнинг фикрича, унинг нархи беморга ойига 1000 доллардан ортиқроққа тушади. Дори воситаси ўзида уч хил препаратни мужассам этиб, кунига биттадан истеъмол қилинади. Дори Bristol-Myers-Squibb ва Gilead Sciences компаниялари ҳамкорлигида яратилган бўлиб, Atripla деб номланади. Atripla таркибида айни пайтда энг кўп ишлатилаётган доривор моддалар йиғилган. Маълумки, ОИТС касаллигига чалинганлар кўп дори ича олмайди. Шу боис, уларга ўзида энг асосий моддаларни бирлаштирган мазкур препарат катта ёрдам беради.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Резолюцияга вето қўйилди

АҚШ БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Исроил бўйича резолюциясига вето билдирди. Қатар томонидан бир гуруҳ араб давлатлари номидан киритилган ушбу резолюция лойиҳасида Исроилдан Ғазо минтақасидаги ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш талаб этилганди. Ҳужжатга 10 та давлат розилик билдирди, 4 та давлат вакили эса бетараф қолди, деб хабар беради, CNN телеканали. Қоидага кўра, ХК резолюцияси қабул қилиниши учун 9 давлат овоз бериши ва бунда Кенгашнинг доимий аъзоларидан бирортаси ҳам вето қўймаслиги лозим.

Фақат Янукович эмас

Украина президенти Виктор Ющченко Виктор Януковичнинг бош вазир лавозимига қўйилишига норози эканлигини билдирди. Сўнгги кунларда Олий Радада Ющченко ва Тимошенко тарафдорларидан иборат иттифоқ ту-

зилган ва айрим депутатларнинг бу иттифоқдан чиқиб кетиши туфайли кўп ўтмай у тарқаб кетганди. Шундан сўнг Янукович раҳбарлигидаги Минтақалар партияси социалистлар ҳамда коммунистлар билан биргаликда, янги иттифоқ ташкил этди ва энди бош вазир лавозимига унинг номзодини кўрсатиш имконияти пайдо бўлди. Президент эса бу иттифоқнинг ташкил этилиши конституцияга зид эканлигини, агар бош вазир лавозимига Янукович сайланса, «тегишли чоралар кўришини» айтди. Newsru.com сайтининг ёзишича, Ющченко бу гапи билан парламентни тарқатиб юборишини шаъма қилган.

Нафиса ЭРКАБОЕВА.

Музофот қайтариб берилди

Ироқдаги Буюк Британия контингенти қўмондонлиги мамлакатда ҳарбий ҳаракатлар бошлангандан буён биринчи марта 18 та музофотдан бири бўлмиш Мутанна вилояти устидан назоратни маҳаллий раҳбарларга топширди. Битим имзолаш маросимида Ироқ бош вазири Нури Маликий иштирок этди ва ҳокимиятнинг маҳаллий маъмуриятга қайтарилишини табриклади. Ҳужжатга кўра, иттифоқчи қўшинлар яқин кунларда Мутаннани тарк этишади. Мутахассислар фикрича, бу ироқликларга бутун мамлакат ҳудудида ҳокимиятни топшириш жараёнидаги биринчи қадам бўлиши мумкин. Шу боис, ушбу музофотдаги воқеалар ривожи диққат билан кузатиб борилади.

Организация продает
по перечислению
«Экскаватор – ЭО-2621(РАЧОК),
новый.
Изготовитель — ЮМЗ-6 (Украина).
Тел.
(998-71) 388-02-54.

28649/2722

Спорт

Терма жамоамиз ўн поғона юқорида

Халқаро футбол федерацияси — ФИФА июль ойининг биринчи ярми учун терма жамоаларнинг янги рейтинг жадвалини эълон қилди.

Мамлакатимиз терма жамоаси ўтган ой билан таққослаганда, ўн поғона юқорига кўтарилди. Бугунги кунда футболчиларимиз 606 очко билан 50 ўринда боришаяпти. Осиёда Эрон (47-ўрин) ва Япония (49-ўрин) мамлакатлари терма жамоаларидан сўнг ҳамюртларимиз учинчи ўринни банд этиб туришибди.

Биринчи учликдан Бразилия, Италия ва Аргентина терма жамоалари жой олган.



Велоспортчилар баҳси

Тошкент вилояти автотрассасида шоссе велоспорти бўйича ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги бўлиб ўтди.

Шахсий биринчиликда чирчиқлик Николай Лупенко 25 километр масофага биринчи бўлиб етиб келди. 90 километр масофага ўтказилган гуруҳ баҳсларида ҳам унга тенг келадиган топилмади.

Назокат МУҲИДДИНОВА.

Газеталарни варақлаганда ЎТКАЗИБ ЮБОРМАНГ

«Ишонч» 14 июль.
Тўлепберген Қайипбергенов «Асрий орзуларимиз ушалди»:

«Давлатимизнинг мустақил деб эълон қилиниши республикамизда истиқомат қилаётган барча миллат фуқаролари учун Аллоҳнинг юксак марҳамати бўлди. Сабаби, авлод-аждодларимизнинг асрий орзусига урушларсиз, йўқотишларсиз тинч йўл билан эришдик. Оламшумул ва тарихий аҳамиятга молик ушбу воқеа авваламбор Юртбошимиз олиб борган оқилона сиёсатининг маҳсули эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур».

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 14 июль.
М. Аҳмедов «Футбол қораймоқдами?»:

«Ва ниҳоят, якунланган жаҳон биринчилигидан биз ўзимизга, ўзбек футболига чиқарадиган хулосалар тўғрисида. Ўзинг фарзанд кўрмагунингча чақалоққа тўйиб бўпсан. Футболда ҳам шундай. Ўзингдан ўйинчи чиқмагунча Тўйтепага ҳам бора олмайсан. Шоир Холмуҳаммад Ҳасан шуни назарда тутиб «Илтижо» деган шеър битибди: «...Ватан-Онажон, ўн нафар тўптепар ўғил туғиб бер!»

Бу иш, ҳаркалай, қўлимиздан келади, деб ўйлайман».

«Адолат» 14 июль.
Бахтиёр Тошназаров «Лоқайдлик ортидаги айрилиқ»:

«Агарда вилоят шифохонаси акушерлик комплекси врачлари жон олиб, жон бераётган Феруза Жанзаковани, нари борса, ўзлари ўтирадиган хонага қабул қилганларида ёки шошилинч тиббий ёрдам машинаси орқали шифокор назоратида бошқа туғруқхонага жўнатишганида, ҳеч бўлмаса, туғруқ ёшидаги она ҳаёти сақлаб қолинган бўлармиди?».

«Моҳият» 14 июль.
Сулаймон Иноятов «Навоий номини шарафлаган маскан»:

«Мустақиллигимизнинг шонли ўн беш йиллиги арафасида турган Ўзбекистон ўтмиш замонларнинг жароҳатларига малҳам қўймоқда. Зеро, хорижда қаровсиз ётган аждодларимиз зиёратгоҳларини обод қилиш, таъмирлаш ғоятда савоб ва олижаноб ишдир. Бу юмушларнинг бошида мамлакат раҳбари турибди».

«Чағониён» 14 июль.
Сайфулло Тоғаев «Эсиз қувурлар»:

«Наҳотки ўзгалар меҳнатини қадрламай туриб, ўзимизнинг бесамар меҳнатимизни кўз-кўзлаш даражасига етиб борган бўлсак? Ахир қанчадан-қанча маблағ мақсадсиз кўмилган хазинадек ер остида занг босиб, чириб ётибди. Биргина сув тортиш насоси ҳисобига шунча бойлик ер тагида чириб ётаверадими?».

«Пойтахт транспорти» 14 июль.
Мансур Алиев «Кенг кўламли ислоҳотлар давом этмоқда»:

«Хусусий мулк — бу меники, менинг мулким дегани. У меники, менинг мулкимга айланар экан, мен энди ундан, яъни автобуслардан аввало самарали фойдаланаман, қоларверса, уларни авайлаб-асрайман, ҳуда-беҳудага ҳаракат қилдирмайман, яъни мақсадли фойдаланаман, бундан мен ҳам, автосарой ходимлари ҳам бирдек манфаатдор бўламиз, манфаатдорлигимиз ошади, ҳаммасидан ҳам шахсий мулк эгаларида ташаббускорлик ва тадбиркорлик хислатлари пайдо бўлади ва шаклланади, пировардида Тошкент шаҳри аҳлига шаҳар автобус транспортида йўловчи ташиш хизмати сифати янада яхшиланади».

«Чағониён» 14 июль.
Сайфулло Тоғаев «Эсиз қувурлар»:

«Наҳотки ўзгалар меҳнатини қадрламай туриб, ўзимизнинг бесамар меҳнатимизни кўз-кўзлаш даражасига етиб борган бўлсак? Ахир қанчадан-қанча маблағ мақсадсиз кўмилган хазинадек ер остида занг босиб, чириб ётибди. Биргина сув тортиш насоси ҳисобига шунча бойлик ер тагида чириб ётаверадими?».

«Пойтахт транспорти» 14 июль.
Мансур Алиев «Кенг кўламли ислоҳотлар давом этмоқда»:

«Хусусий мулк — бу меники, менинг мулким дегани. У меники, менинг мулкимга айланар экан, мен энди ундан, яъни автобуслардан аввало самарали фойдаланаман, қоларверса, уларни авайлаб-асрайман, ҳуда-беҳудага ҳаракат қилдирмайман, яъни мақсадли фойдаланаман, бундан мен ҳам, автосарой ходимлари ҳам бирдек манфаатдор бўламиз, манфаатдорлигимиз ошади, ҳаммасидан ҳам шахсий мулк эгаларида ташаббускорлик ва тадбиркорлик хислатлари пайдо бўлади ва шаклланади, пировардида Тошкент шаҳри аҳлига шаҳар автобус транспортида йўловчи ташиш хизмати сифати янада яхшиланади».

«Ипак Йўли» банки:

ФИЛИАЛЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламдаги иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришда молия муассасалари ўзига хос ўрин эгаллайди. Таъкидлаш жоизки, мана шу муҳим жараённинг иштирокчиси сифатида "Ипак Йўли" банки ҳам юртимиз молия бозорида 16 йилдирки, муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда.

Ҳар бир мижозга сифатли ҳамда тезкор хизмат кўрсатиш, уларга янги банк хизматларини таклиф қилиш Банк фаолиятининг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Шу боис ҳам мижозлар сони, уларга кўрсатилаётган банк хизмати турлари йилдан-йилга ортиб бормоқда. Агар 2005 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра банк мижозлари сони 20837 тани ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 1 июнида бу рақам 50249 тага етди. Эътиборли жиҳати шундаки, "Ахборот-рейтинг" компанияси рейтинг натижаларига кўра "Ипак Йўли" банки республикамизда фаолият юритаётган банклар орасида энг яхши еттиликдан жой олди.

Банк хизматидан фойдаланувчилар учун янада қулайлик яратиш, мавжуд бизнес алоқаларини яхшилаш ва янги мижозларни жалб қилиш мақсадида "Ипак Йўли" банки ҳудудий қамровини кенгайтиришни давом эттирмоқда. Шу йилнинг июнь ойидан бошлаб Банкнинг Яккасарой филиали ўз фаолиятини бошлади. Мазкур филиал туман марказидаги асосий автомагистраллар кесишмасида жойлашган бўлиб, у шу ҳудуд аҳолисига қўшимча имкониятлар яратиш билан бир қаторда, тумандаги кўплаб ташкилотларнинг Банк хизматидан кенг фойдаланишлари учун ҳам катта қулайлик туғдиради. Энди мижозлар Банкнинг ушбу филиали орқали ҳисоб-касса хизматлари, тадбиркорларни микрокредитлаш, "Анелик", "Money Gram", "Быстрая Почта" каби тизимлар бўйича пул ўтказмалари, аҳолидан омонатларни қабул қилиш, пластик карточкалар бўйича хизмат кўрсатиш, коммунал тўловларини қабул қилиш, валюта айирбошлаш, валюта операциялари, қимматли қоғозлар хизматлари ва бошқа кўплаб банк хизматларидан фойдаланиш имконига эга бўлдилар.

Шавкат ОРТИҚОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Мижозлар учун банкнинг Яккасарой филиали манзилини билдириб ўтамиз: Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 65-уй.
Телефонлар: 363-52-90, 363-52-91.

ДИВИДЕНД ОЛДИНГИЗМИ?

Илгари акция, акциядор, акциядорлик жамияти, дивиденд деган сўзларнинг маъносига тушунмасдик, айримлар бу сўзларни эшитмаган ҳам эди. Мустақиллик туфайли юртимизда кўплаб акциядорлик жамиятлари пайдо бўлди, орамиздан акциядорлар, мулкдорлар етишиб чиқмоқда. Улар мамлакатимиз, халқимиз фаровонлиги йўлида баҳоли қудрат фаолият кўрсатиб келишаяпти.

Бир вақтлар Сурхондарё вилоятида кўплаб Темир-бетон маҳсулотлари комбинатлари бор эди. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида уларнинг деярли барчаси йўқ бўлиб кетди. Бугун биттагина Қумқўрғонда шундай корхона ишлаб турибди. У 2001 йилда «Сурхон» комбинати очиқ турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилган эди. Ҳозир корхонада 330 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. «Сурхон» комбинати ОТАЖ 2002 йилда 253 миллион 501 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 4 миллиард 36 миллион 304 минг сўмни ташкил этди.

— 2002 йилни 6 миллион 906 минг сўм фойда билан якунлагандик, — дейди акциядорлик жамияти раиси Қорахон Турсунов. — Ўтган йили олган соф фойдамиз салкам 243 миллион сўмга етди. Акциядорлик жамиятимиз ташкил этилганда ҳар бири минг сўмлик 32718 та акция чиқаргандик. 2005 йил якунлари бўйича ҳар бир акция учун 1000 сўмдан дивиденд тўлашни мўлжаллаб турибмиз.

Юқорида таъкидлаганимиздек, яқин-яқингача акция сўзининг маъносини тушунмаган ишчи бугун акциядор. Акцияси учун ҳар йили минглаб сўм дивиденд олмоқда.

— Жамиятимиз ташкил этилганда кўпчилик акция сотиб олишга эҳтиёткорлик билан ёндошганди,—дейди оддий ишчи Жўра Ашурқулов. — Сабаби, аввало акция нима эканлигини яхши билмасдик. Бундан ташқари, комбинат ишлаб турса яхши, тўхтаб қолса-чи... Мен ҳам ўйлаб-ўйлаб 500 дона акция сотиб олгандим. Бугун тўғри иш қилганимга ишонч ҳосил қилиб турибман. Баъзан янаям кўпроқ акция сотиб олмаганимга афсусланиб ҳам қўяман. Чунки ўша пайтда айрим ишчилар беш, етти мингталаб акция харид қилишганди. Ҳозир эса ўшанга яраша миллионлаб сўм дивиденд олишаяпти.

Комбинат ҳозирда «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли, мактаблар ва коллежлар қурилиши учун 80 хил маҳсулот етказиб бераяпти. Корхона раҳбарининг таъкидлашича, бу ерда ўртача маош 114 минг сўмни ташкил этади. Жамият ҳудудида спорт майдони ишлаб турибди. Иш икки сменада ташкил этилган. Ишчиларни ишга автобус олиб келиб яна уйига олиб бориб қўяди. Уларга икки маҳал бепул овқат берилмоқда.

Бирида ундай, бирида бундай

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида корхона ўз ҳисобидан битта болалар боғчаси ва амбулаторияни таъмирлаб берди. Бунинг учун 12 миллион сўм маблағ сарфланди. Хуллас, кечаги ишчи бугун ҳақиқий мулкдорга, акциядорга айланди.

Албатта, ишни йўлга қўйиб олган, ривожланиш сари дадил қадам ташлаётган бундай корхоналарни барчага намуна қилиб кўрсатиш мумкин. Лекин ҳамма жойда ҳам аҳвол бир хил эмас...

— 2001 йилда турмуш ўртоғим билан биргаликда иккиламчи бозордан Денов туманидаги «Бободеҳқонбозори» ОТАЖнинг 2946 та, яъни 35,6 фоиз акциясини сотиб олганимизда бу бозор нафақат вилоятдаги, балки республикадаги энг гавжум савдо масканларидан бири, яхшигина дивиденд олсак керак деб ўйлагандик, — дейди акциядор Йўлдош Раҳимов. — Афсуски, ундай бўлмади. 2001 йилда шундай гавжум бозорда йиллик тушум миқдори бор-йўғи 50 миллион сўмдан салгина ошибди. Дивиденд ҳам шунга яраша — ҳар бир акция учун 265 сўмни ташкил этибди холос.

Й. Раҳимовнинг таъкидлашича, бу уни қониқтирмаган. Шунинг учун у акциядорларнинг умумий йиғилишида бозор бошқаруви раиси З. Алимардоновнинг қайта сайланишига қарши овоз берган. Жамият низомига мувофиқ 75 фоиз овоз олмагандан сўнг раис ишдан кетиши керак. Й. Раҳимов турмуш ўртоғи билан биргаликда 35,6 фоиз овозга эга.

— Аммо ундай бўлмади, — дейди акциядор. — Йиғилишга раислик қилган туман ҳокими ўринбосари ҳар бир акцияни эмас, ҳар бир акциядорни бир овоз ҳисоблаб, уни яна бозор бошқаруви раиси этиб сайлашга эришди. Ўша йилнинг 13 май куни қайтадан умумий йиғилиш чақирилиб, З. Алимардонов ишдан бўшатилди. Шундан сўнг бироз вақт ўтгач Фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро суди бир акциядорни бир овоз ҳисоблаб, З. Алимардоновни ишига тиклади. Туман прокурори судининг бу ҳал қилув қарорига протест киритди. Лекин Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди апелляция инстанцияси туманлараро суд ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдирди.

Дунёнинг ҳамма жойида акциядорлар овози акция миқдорига қараб белгиланади. Лекин юқоридаги ҳолатда бунинг аксини кўраяпмиз. Судлар қайси қонунга биноан бундай ҳал қилув қарори чиқаришган экан? 2002 йил якунлари бўйича ҳар бир акцияга 740 сўмдан тўланган. Орадан бир йил ўтгач эса акциядорлар ҳар бир акцияси учун бор-йўғи 528 сўмдан дивиденд олишган.

— 2004 йилнинг 28 июнь куни бўлиб ўтган жамият акциядорлари йиғилишида мени бошқарув раиси этиб сайлашди. Ўша йилнинг иккинчи ярмига белгиланган бизнес режа 133 фоизга бажарилди, — дейди Й. Раҳимов. — Йил якуни бўйича тўланган дивиденд миқдори шунга яраша бўлди. Аммо 2005 йилнинг 11 июль куни жамиятнинг кузатув кенгаши мен билан тузилган шартномани бекор қилиш ҳақида қарор чиқарди. Сабабини ҳунузгача билмайман.

«Бободеҳқонбозори» ОТАЖнинг 51 фоиз акцияси туман ҳокимиятида. Лекин мана бир неча йилдан буён ўзидаги акциянинг пулини тўлаш ҳақида ўйламайди, — дейди Й. Раҳимов. — Шундай бўлса-да жамият, унинг раисини сайлаш ишларига аралашади.

Мана, икки акциядорлик жамиятидаги аҳвол билан танишдингиз. Бирида қонун устуворлиги таъминлангани учун йилдан-йилга ривожланиш кўзга ташланаяпти. Иккинчисида эса қонун устуворлиги таъминланмагани боис соғлом муҳит бузилган, аризабозликка йўл очилган. Бу эса ривожланишга, олға силжишга тўсиқ бўлиши турган гап.

Б. УММАТОВ.



ҚИТЪАЛАРНИ ЗАБТ ЭТМОҚДА ЎЗБЕК КУРАШИ

ён бўлади.

Олимпиада — бу қувонч ва алам, ғалаба нашидаси ва мағлубият изтироблари, миллионлаб ҳамюртларингнинг умид билан тикилган кўзлари демакдир. Бу ғолиб спортчи тимсолида байроғи сарбаланд ҳилпираётган давлат ва миллатнинг миллионлаб гувоҳларнинг кўз ўнгида эътироф этилишидир. Чунки Олимпиада кунлари урушлар тўхтайди, жангу жадаллар, англаймиз.

Хўш, бу саъй-ҳаракатга Жак Роггени нима мажбур қилди? Нима учун Олимпия қўмитаси президентининг курашга назари тушди? Унинг кураш билан азалдан боғлиқлик жиҳатлари бор эдими? Ёки Халқаро Олимпия қўмитаси президентининг бобоси курашчи бўлганмиди? Йўқ, албатта. Лекин курашни жаҳонга олиб чиққан халққа, миллатга меҳр ва ҳавас билан

ҳануз лол қолдириб келмоқда. Қолаверса, Қувайт дунёда ўз ўрнига эга мамлакат.

Ал-Сабоҳлар сулоласи — Қувайт қироллик оиласи вакиллари ҳисобланади. Улар мамлакатни 18 аср ўрталаридан бери бошқариб келмоқда. Қироллик оиласининг ҳар бир аъзосига Шайх унвони берилади. Маълумотларга қараганда, Ал-Сабоҳлар сулоласи шахсий бойлиги жиҳатидан ҳам дунёда ҳеч кимдан кам эмас.

Нафақат Қувайт, балки араб дунёсининг худди шундай муҳтарам зотларидан бири шайх Аҳмад Ал-Фаҳад Ал-Сабоҳ ҳисобланади. Шайх Аҳмад Ал-Фаҳад Ал-Сабоҳ Қувайтнинг жами бойликларининг бош саррофи — Энергетика ва нефть вазири, мамлакат Олимпия кенгаши раиси, Осиё Олимпия кенгаши президенти сифатида дунёнинг сиёсий саҳнасида етакчи мавқега эга инсон.

Шу йил бошида Осиё Олимпия кенгаши Президенти Шайх Аҳмад Ал-Фаҳад Ал-Сабоҳга Кураш Халқаро Ассоциациясининг тўртинчи «Олтин орден»и топширилди. **«Кураш мусулмон дунёсининг азиз ва мукаррам спорт тури сифатида эътозланишга лойиқ»**, дея эътироф этди, шайх жаноблари. У Осиё Кураш конфедерацияси фахрий президентлиги лавозимини мамнуният билан қабул қилди.

Шайх Аҳмад Ал-Фаҳад Ал-Сабоҳ курашни 2003 йилдаёқ Осиё ўйинлари дастурига киритган эди. Шу йил декабрь ойида Қатарнинг Доҳа шаҳрида бўлиб ўтадиган Осиё ўйинларида кураш бўйича мусобақалар ўтказилади. Агар кейинги Осиё ўйинларига курашнинг расман киритилаётганини назарда тутсак, Олимпиада остонаси ҳам унчалик узоқ эмаслигини сезиш қийин эмас.

Христофор Колумб ва кураш

Узоқ Доминикан Республикасида бир қабр бор. У машҳур Христофор Колумбнинг қабри. Ҳар йили ер юзининг турли жойларидан келувчи минг-минглаб одамлар унинг ҳокини зиёрат қилиб кетишади. Ҳа, жаҳонгашта Колумб Америка қитъасини кашф этишни айнан мана шу Доминикандан бошлаган эди ва у ана шу ерда вафот этди.

«Доминиканнинг кашф этилганига бор-йўғи 500 йилга яқин вақт ўтибди. Ўзбек курашининг тарихи жудаям узоқ экан. Демак, халқингизнинг ҳам ўтмиши минг-минг йилларга бориб тақалади. Биз курашни бундай халққа эҳтиром сифатида эъзозламасдан иложимиз йўқ», дея тан берган эди Доминикан Республикаси Кураш федерациясининг раҳбари жаноб Хайма Казанова. Шу ўринда Президентимизнинг «Тарихий хотирасиз — келажак йўқ», деган сўзлари нақадар пуҳикмат эканлигига яна бир карра амин бўламиз. Чунки тарихи 3,5 минг йилга тенг ўзбек кураши бу қитъада илк бор Доминикан Республикасини бежизга қайтадан кашф этмади...

Юқорида биз Халқаро Олимпия қўмитаси ва унинг дунёдаги обрўси ҳақида сўз юритдик. Бироқ дунёда яна битта шундай ташкилот борки, унинг эътибори ҳам асло ундан кам эмас. Бу — Жаҳон Миллий Олимпия қўмиталари ассоциацияси ҳисобланади. Тўғрироғи, шу ташкилотни бошқараётган шавкатли бир инсон, спорт оламининг оқсоқоли, Олимпия ўйинларининг Хуан Антонио Самаранч ва Жак Рогге давридаги гуркираб яшнашига юксак ҳисса қўшган Марио Вазкез Ранья десак, муболаға бўлмайди.

Чунки Марио Вазкез жаноблари бу йил 74 ёшни қаршилайди. Унинг беқиёс хизматларини дунё спорт оламида яхши билишади. Чунки у ўз фаолиятини бир умр Олимпия ҳаракати билан боғлаган. Халқаро Олимпия қўмитасининг ўтган асрдаги деярли барча раҳбарлари билан бирга ишлаган, маслаҳат ва ёрдам берган.

Дарҳақиқат, Жаҳон Миллий Олимпия қўмиталари ассоциацияси президенти, қарийб 40 йилдан бери Пан-Америка қитъаси Олимпия Кенгаши президенти бўлиб ишлаб келаётган Марио Вазкез Ранья шундай инсон. У курашнинг Пан-Америка қитъасидаги ривожига салмоқли ҳисса қўшаётганлиги учун Кураш халқаро ассоциациясининг бешинчи «Олтин орден»ига лойиқ кўрилди. Асли мексикалик Марио Вазкез 2003 йилдан буён Пан-Америка Кураш Конфедерациясининг фахрий президенти ҳисобланади.

Айнан жаноб Марио Вазкезнинг ташаббуси билан Доминикан Республикаси, Мексика, Уругвай, Бразилия ва Боливия каби бир қатор мамлакатларда чемпионатлар, турнирлар, биринчиликлар ўтказилди. Айниқса, курашнинг ҳар икки йилда бир марта Уругвайда ўтадиган «Экспо-спорт» фестивалидан ўрин эгаллаши катта воқеа бўлди.

Бу қадимий миллатнинг, азалий анъаналаримизнинг салобатидан далолат эдики, қайсидир маънода кураш Пан-Америка қитъасидаги минглаб кишиларнинг ҳам фахрига айланди. Табиийки, курашни тан олиб, у билан танишган ҳар бир фуқаро ўзбек халқига, унинг қадриятига ҳам чуқур эҳтиром билан қарайди. Унга нафақат кураш гиламида, балки ўз юртида таъзим қилади. Бу миллат номини ўзгача бир эъзоз билан қадрлайди. «Ҳалол», «Ёнбош» ва «Кураш» деган ўзбек каломларини тилида ва дилида такрорлайди.

Хўш, бугун дунёда Ўзбекистонга, унинг халқига ва юксак қадрияти бўлмиш курашга кўрсатилаётган бундай ҳурмат ва эҳтиромнинг сабаби нимада? Таъбир жоиз бўлса, дунё сиёсати ва спортининг об-ҳавосини олдиндан айтиб берадиган ва ўзгартира оладиган инсонларнинг юртимизга меҳр билан қарашининг боиси нимада? Бунинг сабаби уларнинг Ўзбекистоннинг келажагига бўлган катта ишончидир.

Мустақилликнинг 15 йиллиги катта сарҳисоб давр ҳисобланади. Бу йиллар мобайнида мамлакатимиз мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришди, дунё ҳурмат ва эҳтиром билан тан оладиган, ҳисоблашадиган, фикр алмашадиган, ўз эртаси ва келажагини белгилаб олган мустақил бир юртга айланди.

Бугун Президент, Мустақиллик ва Кураш деган сўзларни бир-биридан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, бу тушунчалар бир-бири билан узвий боғлиқдир. Буни тушуниш қийин эмас. Зотан, дунё тобора шиддат билан глобаллашаётган бугунги замонда ҳар бир халқ ўзлигини намоён қилишга, англатишга интилади. Кураш асрлар бўйи ўзбек халқи билан бирга яшаб, келаётган ўзлик тимсолидир. Ўзлигини англаган ва англатаётган халқнинг келажаги буюклиги шубҳасиз.

Беккул ЭГАМҚУЛОВ, Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Кураш — менинг ҳаёт тарзимга ўхшайди»

Дунёда Соня Гандини билмайдиган одам топилмаса керак.

1991 йилда Ҳиндистон бош вазири Ражив Гандининг фожеали ўлимидан сўнг Соня Ганди эринининг шаъни ва ғурурини сақлаб қолишга, Гандилар сулоласининг улкан ишларини давом эттиришга киришди.

Дунёда Ҳиндистончалик аҳолиси кўп ва миллати турфа хил мамлакат бу дунёда бошқа топилмайди. Соня Ганди шу мамлакат фуқароларини бирлаштириш, сулола номини пок сақлаш мақсадида ҳар қандай қийинчиликларга бардош бериб, иродали ва азму шижоатли бир аёл сифатида қаҳрамонлик кўрсатди, десак тўғри бўлади. Гарчанд турмуш ўртоғи ва қайнонаси ёвузлик қурбони бўлган эса-да, Соня Ганди душманларига қарши фақат маърифат билан курашишни афзал деб билди.

У умр йўлдоши Ражив Ганди хотирасига ҳамиша содиқ қолди, сулоланинг эзгу ғояларини Ҳиндистон Миллий Конгресс партиясининг раҳбари сифатида амалга оширди.

Соня Ганди ва Кураш. Бу икки оламнинг бирлашишига, яқинлашишига Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши сабаб бўлди. Кураш халқаро ассоциацияси биринчи вице-президенти бир неча йиллар Ҳиндистон ҳукуматидаги масъул вазирлик лавозимларида ишлаган, Ражив Ганди оиласининг содиқ ва садоқатли дўсти Жагдеш Татлернинг таъкидлашича, кураш билан яқиндан танишган Соня Ганди **«Бу спорт турининг фалсафаси менинг қарашларимга, ҳаёт тарзимга жуда ўхшаш экан. Курашни кашф этган миллатга, мени у билан боғлаган инсонларга таъзим этаман. Мен ҳам унинг тараққиёти, ривожланишига доимо хайрихоҳман»**, дея ҳис-ҳаяжонларини изҳор этган.

Айнан Соня Гандининг ташаббуси билан Ҳиндистонда Ражив Ганди хотирасига бағишланган кураш турнирига асос солинди. Ҳиндистонда 2000 йилдан буён мунтазам кураш мусобақалари ва тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Соня Ганди Осиёда курашни ривожлантиришдаги хизматлари учун Кураш халқаро ассоциациясининг иккинчи «Олтин ордени» билан тақдирланди.

Жак Роггенинг жасорати

Олимпиада деганда кўз ўнгимизга улуғвор ва пурвиқор Олимп тоғлари келади, Сидней ва Афинадаги Олимпиада ўйинлари намоён этган катта-кичик можаролар бир четга суриб қўйилади. Бунга тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Ҳа, Жак Рогге шундай инсон, бугун у — жаҳон олимпия ҳаракатининг раҳбари, Халқаро Олимпия қўмитаси президенти.

Буюк ғоялар, эзгу ниятлар одамларни бирлаштиради, деган эди файласуфлардан бири. Бугун ғурур ва ифтихор билан айтиш мумкинки, кураш халқларни, миллатларни жипслаштирмоқда, дўстлаштирмоқда. Ушбу тамойилларнинг мустаҳкамланишида Халқаро Олимпия қўмитаси президенти Жак Роггенинг ҳам муносиб хизмати бор.

Айнан Жак Роггенинг ташаббуси билан Швейцариянинг Лозанна шаҳридаги машҳур Олимпия музейида бир йил мобайнида ўзбек кураши кўргазмаси бўлиб ўтди. Ҳар йили ушбу музейга бутун дунёдан минглаб сайёҳларнинг ташриф буюришини ва кўргазма доирасида Европа мактаб ўқувчилари учун Интернет тармоғи орқали кураш бўйича факультатив машғулотлар ўтказилганини ҳам ҳисобга олсак, мазкур тадбирнинг аҳамиятини янада теранроқ қарайди у. Унинг бундай мамлакатга эҳтироми чексиз.

Жак Рогге чин маънода жасорат кўрсатди. Курашни «дунёда энг изчил ва шиддат билан ривожланаётган янги аср спорти», дея эътироф этди. Кураш халқаро ассоциацияси раҳбариятини Халқаро Олимпия қўмитаси қароргоҳи жойлашган Швейцариянинг Лозанна шаҳрига расман таклиф қилди. Учрашув жараёнида у курашни Олимпия ўйинларига киритишга қўшаётган муносиб ҳиссаси учун учинчи «Олтин орден» билан тақдирланди.

Нуфузли мукофотни қабул қилиб олиш маросимида жаноб Рогге кураш ватанига, миллий қадриятларимиз ва тарихимизга ҳурмат-эҳтироми чексизлигини билдириб, **«Кураш Олимпиада ўйинларига кирган куни мен Амир Темурни кураш бўйича биринчи Олимпиада чемпиони деб эълон қиламан»**, дея ўз ҳиссиётларини яшириб ўтирмади.

Шайхнинг «Олтин орден»и

Қувайт мамлакати — араб дунёсининг жавоҳири, десак, адашмаймиз. Чунки бу мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти дунё аҳлини ҳали

ТЎҒРИЛИКНИНГ ОШИҒИ



Турли касб эгалари сингари ҳар бир адибнинг ҳам бировларникига ўхшамайдиган услуби, маҳорат даражаси, ўзига хос феъл-атвори бор. Баъзиларининг ўзлари билан чақчақлашиб ҳузурланасан-у, ёзганларидан қониқмайсан. Баъзиларининг асарларини яйраб мутолаа қиласан-у, ўзидан четлаброқ ўтгинг келади. Шу жиҳатдан қараганда, Неъмат ака камдан-кам ижодкорлар сирасига кирувчи, ёзганлари ҳам, ўзи ҳам бир хилда ёқимтой инсон эди.

Хулқидаги одмиликни, тоза табиатлиликни кузатиб юрган кимса, наҳотки фалон асардаги ўта теран фикрларни шу киши топиб тўқиган бўлса, ҳажвияларидаги бири биридан қитмир, бири биридан шумқилиқ нусхалар қиёфасини қиёмига етказиб чизиб берган қаламкаш наҳотки шу адиб бўлса, дея иккиланиб қолиши ҳеч гап эмасди.

Неъмат ака турмушда ҳаммага ўхшаб яшар, хулқатвори ўзига мос кимсалар билан даврадош бўлиб ҳордиқ чиқаришни хуш кўрарди. Лекин ижодий иш жараёнида бунга ҳеч қачон биринчи масала сифатида қараган эмас. У мазмуни мақбул асарни феъли мақбул муаллифдан устунроқ кўя олар, қаерда ишламасин, доимо шу хислатига содиқ қоларди. Балки айнан шу хусусияти билан қаламида чўғи борларнинг қалин дўстига, неча-неча ёш истеъдодларнинг севимли устозига айлана олгандир, ўзбек адабиётининг катта жонкуяри сифатида танилиб улгургандир.

Хизмат сафари баҳонасида, қай бир вилоятга бормайлик, ҳар гал «Устоз Неъмат Аминов яхши юрибдиларми?» деб сўровчиларга, албатта, дуч келардик. Суриштириб кўрсак, уларнинг аксарияти умрида Неъмат ака билан шахсан учрашмаган, хат орқали алоқада бўлиб келган, почтадан жўнатилган асарларини чоп этишда холисона кўмаклашгани учунгина уни «устоз» дея эъзозловчи қаламкашлар бўлиб чиқарди. Бундай бахтни фақат ҳавас қилиш мумкин.

Бир куни Саид Аҳмад домла адиблар ўртасида бўлиб ўтган ҳаётий ҳангомалардан биттасини гапириб бўлиб, кўзимга пича тикилиб турди-да: «Сенда бир яхши одат бор, ким нима деса,

Хотира саодати

лаққа ишонаверасан. Ниғматга гапирсанг, наҳотки, шу жойи рост бўлса дегандек, ора-сира чимрилиб қўяди. Кулгили гапга озгина бўрттирмаям қўшилишини гўё билмайдигандек тутади ўзини», деди. Э, йўқ, Неъмат ака буни билишгаку биларди, бироқ ҳатто ҳазил-ҳузулдаги бегидир ёлғонни ҳам дарҳол қабул қилгиси келмасди, ёлғонни жуда-жуда ёмон кўргани боис, унинг энг кичкинасига ҳам кўника олмасди. Оилада шундай тарбия топган, ростгўйлик қон-қонига сингиб кетган бўлса, қандай кўниксин?

— Катта-катта балолар аслида зиғиртдаккина ёлғондан бошланади, — дерди Неъмат ака. — Бор қабиҳликлар ёлғонга таяниб кун кўради. Ростлик бўлмаган жойда ширин турмуш йўқ.

Дам-дам ўйлаб қоламан, умрининг асосий қисмини Ёлғоннинг асосига қурилган тузумда ўтказган бу покдомон инсон қандай чидаб яшай олди экан? Отаси юз ёшдан ошиб кўз юмган бу полконкелбат зотнинг ҳаётдан эрта кетишига алдовлар заққумига бўғзигача кўмилиб яшаган даврлардаги захалар сабабчи бўлгандир балки?

Тўғрилик ва диёнат, ҳақиқат ва адолат ярқираб чақнайдиган замонни орзулаб-орзулаб яшаган Неъмат ака юртимиз мустақиллигини мислсиз тўлқинланиш билан қаршиланган эрксеварлардан бири эди. Миллатнинг ўз хоҳишига эгалик ҳуқуқини олий саодат деб билувчи бу зот эркинлигимиз қадрига путур етказиши мумкин бўлган энг кичик нуқсонларниям кўнглига оғир оларди. Радиода қайсидир сухандон сўзни бузиб талаффуз қилганини эшитса ҳам, қай бир газетда ғализ жумлаларга дуч келса ҳам, лабини аламли жимириб: «Тилимизга қанча қийинчиликлар билан давлат тили мақоми берилганди, энди кунимиз шуларга қолдими?» деб кўярди. Ёки биронта йирикроқ нақанг мўмай маблағни ўзлаштириб олгани ҳақида матбуотда мақола босилган бўлса: «Наҳотки бу томоғинг тешилгурларда юрт, миллат деган тушунчадан учқун ҳам бўлмаса!» дея тутоқиб кетарди. Баъзи одамлардаги эътиқодсизлик, лоқайдлик, манманлик, лафсизлик, айниқса, юлғичлик янглиғ иллатларни устоз ҳаддан зиёд ёмон кўрарди.

Неъмат ака оламдан ўтишларидан уч-тўрт кун олдин яқин укахони Ашурали билан йўқлаб бордик. Толиқтириб қўйишдан чўчиб, кетишга бир неча бор изн сўрасак-да, «Шундай ширин суҳбатни бузманглар энди», деб туриб олди. Асосан, устозни тингладик, юртимизнинг бугуни, келгусида қилиниши керак бўлган ишлар тўғрисида кўпроқ гап кетди. Чамаси, ҳаёти тугаб бораётганини ич-ичидан сезиб турар, белгиланган улкан ишлар тезроқ амалга оширишини истаб, барини ўз кўзи билан кўриб қолишга ошиқаётганди. Неъмат ака она юртини, азиз халқини жигар-жигардан севарди. Ўзи тупроққа қўйилди, аммо ўша севгиси ҳануз яшаётгандек, дўстлари ва шогирдларининг кўнглида баландроқ алангаланаётгандек.

Ўзбек ҳажвиётида катта мактаб яратган Неъмат Аминовнинг китоблари аллақачон «ўлмас битиклар» мақомини олиб улгурган. Шу боис у зотнинг кўпчиликка ёд бўлиб кетган асарлари устида тўхталиб ўтирмай, инсоний фазилатларининг айрим қирраларини эслаб ўтиш билан чеклана қолдик. Қолаверса, бу кичик эсдалик, вақт тақозоси билан шошилинчроқ тарзда битилди...

Мундоқ қараганда, умримизнинг ўзи ҳам ўта шошилинч. Шу қадар шошилинчки, баъзан ўнгингдан чапингга қарагунингча, гоҳ ардоқли кишингни, гоҳ улуғ бир зотни йўқотиб қўйганингни пайқамай қоласан. Пайқаганингда эса, юрагинг тўкилиб кетгудек бўлади.

Анвар ОБИДЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
СОЛИҚ АКАДЕМИЯСИ
қуйидаги кафедралар вакант ўринлари бўйича профессор-ўқитувчилар учун танлов эълон қилади:

«СОЛИҚЛАР ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ» КАФЕДРАСИГА:
- кафедра мудири;
- профессор — 1 та;
- доцент — 1 та;
- катта ўқитувчи — 1 та;

«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ» КАФЕДРАСИГА:
- кафедра мудири;
- доцент — 1 та;
- катта ўқитувчи — 1 та;

«ИҚТИСОДИЙ ФАНЛАР» КАФЕДРАСИГА:
- кафедра мудири;
- профессор — 1 та;
- доцент — 1 та;
- катта ўқитувчи — 1 та;
- ўқитувчи — 1 та.

«ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР» КАФЕДРАСИГА:
- кафедра мудири;
- профессор — 1 та.

«ҲУҚУҚИЙ ФАНЛАР» КАФЕДРАСИГА:
- доцент — 1 та;
- катта ўқитувчи — 1 та.

«ИНФОРМАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР» КАФЕДРАСИГА:
- кафедра мудири;
- катта ўқитувчи — 1 та;
- ўқитувчи — 1 та.

«ТИЛЛАР» КАФЕДРАСИГА:
- кафедра мудири.

«ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ» КАФЕДРАСИГА:
- кафедра мудири.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:
- ариза;
- шахсий варақа;
- таржимаи ҳол;
- 4 дона 4х5 ҳажмдаги фотосурат;
- иш жойидан тавсифнома (ҳужжат топширгунга қадар ишлаган бўлса);
- олий ўқув юртини тугатганлик ҳақидаги диплом;
- кафедра мудири, профессор номзодларига: фан доктори ва профессор илмий унвони ҳақидаги ҳужжат;
- илмий даражаси ва илмий унвони ҳақидаги ҳужжат;
- эълон қилинган илмий ишлари ҳақида маълумот.

Ҳужжатлар Тошкент ш., Учтепа тумани, Собир Юсупов к., 1-уй, Солиқ академияси биноси, 103-хонада қабул қилинади.
Телефон: 117-44-46.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси «Ўзбекистон» телерадиоканали муҳаррири Зиёдулла Мўминовга падари бузруквори
РАҲМОН отанинг
вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

«Ўзбекистон» телерадиоканали жамоаси «Маданий-маърифий ва бадиий-дам олиш кўрсатувлари» бош муҳарририяти-нинг катта муҳаррири Наргиза Зокировага падари бузруквори
Усмон ака КАРИМОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси Илмий ишлар бўйича проректор, профессор Носир Маҳмудовга опаси
Зулфия МАҲМУДОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат авиация институти жамоаси «УААваС» кафедраси доценти Людмила Ермаковага акаси
Владислав КОНДРАШОВнинг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради ва чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 959. 20437 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t - Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ҳ. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.20 23456